

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ



Рўйхатга олинди: № МД-5А120101
2020 йил "28" 08

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ ПОЭТИКАСИ (ЯПОНИЯ)

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120000 – Гуманитар фанлар
Мутахассислик:	5А120101 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари)

Тошкент – 2020



BTS

7.	Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил “28” 08 даги 4 -сонли баённомаси билан маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “28” 08 даги 452 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.
8.	Фан/модул учун масъуллар: Ходжаева Р. – ТошДШУ “Шарқ мамлакатлари адабиёти ва киёсий адабиётшунослик” кафедраси профессори, филология фанлари доктори.
9.	Такризчилар: Муҳибова У. – ТДШУ “Жанубий ва жануби-шарқий Осиё тиллари” кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор; Сотиболдиева С. – А.Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори.

Фан/модул коди	Ўқув йили	Семестр	ECTS - Кредитлар	
5ASAP225	2020-2021	2	5	
Фан/модул тури	Таълим тили		Хафтадаги дарс соатлари	
Мажбурий	Ўзбек		4	
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулоти (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Шарқ халқлари адабиёти поэтикаси (Япония)	60	90	150
2.	I. Фаннинг мазмуни Фанни ўқитишдан мақсад – фаннинг мазмуни миллий бадий адабиёт, унинг қонуниятлари, адабиёт назарияси, адабиёт қоидалари: жанр, унинг шакли ва мазмун жиҳатларининг ўзаро муносабати, композиция типлари, сюжет қурилиши ва бошқа поэтикага оид барча назарий масалалари қамрайди. Поэтика қоидаларини билиш адабиёт ҳақида сўз юритиш, уни ўрганиш, унга баҳо бериш ва умуман адабиётшунос бўлиш ҳуқуқини беришни таъминловчи фандир. Шарқ адабиётида бадийташунослик масалалари магистрантга адабиёт фанининг асоси нимадан иборат эканлиги ҳақида тўлиқ маълумот бериш билан бир қаторда ҳар бир шарқ адабиётининг ўзига хос қонуниятлари, бу қонуниятларнинг шаклланишига сабаб бўлган омиллар ва уларнинг тарихий ривожланишида юз берган ташқи таъсир масалаларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Фаннинг вазифаси – магистрантларга ўрганилаётган мамлакат адабиёти поэтикаси, адабиёт назарияси фанларида ўрганилаётган миллий бадий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ривожланиш қонуниятлари ва характери, методлари, жанрлар, поэтикани ташкил қиладиган асарнинг бадий тили, услуби, турли бадий – тасвирий ва ифодавий воситалари тўғрисида билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш. II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти) II.I. Фан таркибига куйидаги мавзулар қиради: 1-мавзу. Поэтика тушунчаси, унинг кенг ва тор маънолари Поэтика – адабиётшуносликнинг етакчи назарий фани.			

	Поэтикани ўзлаштиришдаги вазифалари. Поэтика атамасининг кенг ва тор маънолари. 2-мавзу. Адабий жараён, адабий босқичлар, йўналиш, оқимлар ва мактаблар поэтикаси Адабий жараён хусусиятлари. Ҳаётни бадий акс эттириш принциплари. Адабий йўналиш ва оқимлар. 3-мавзу. Поэтика компонентлари: жанр, услуб, сюжет, қаҳрамон Жанр ҳақида тушунча. Сюжет турлари ва компонентлари. Конфликт. Композиция. 4-мавзу. Япон шеърининг поэтикасининг ўзига хослиги Япон шеърининг ўзига хослиги. Танка шеърининг жанри хусусиятлари. Хокку шеърининг жанри хусусиятлари. Манъёшю” – илк шеърининг антология. 5-мавзу. Япон адабиётида бадий услуб, ифода воситалари. “Ута моногатари” жанри хусусиятлари Ута моногатари” жанри хусусиятлари . “Исэ моногатари” асарининг таҳлил қилиш 6-мавзу. Хэйан даври адабиётининг поэтикаси; жанрлар тизими. Хэйан даври – япон адабиётининг олтин даври. Хэйан даврида адабий жараёнлар. Хэйан даврида вужудга келган жанрлар. 7-мавзу. Камакура даврининг ўзига хослиги, ҳарбий мотивлар Камакура даврида ижтимоий-сиёсий муҳит. “Бушидо” – “Самурайлар кодекси”. Гунки моногатари жанрининг вужудга келиши 8-мавзу. Эдо даври адабиёти поэтикасида янгиланиш тамойиллари. Эдо даври адабиёти поэтикаси. Ихара Сайкаку ижоди. Мацуо Басё ижоди. 9-мавзу. Мэйжи даври адабиётида ўзгаришлар, адабиётнинг халқчиллиги ва демократлашиши Мэйжи инқилобидан кейин юзага келган адабий шароит. Япон замонавий адабиётига ғарб адабиёти таъсири. XIX аср охири – XX асрлардаги янги ижтимоий – маданий шароит ва япон адабиёти. 10-мавзу. Япон адабиётида бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлил асослари. Лингвопоэтикада минимал ва максимал матн. Бадий матн қисмларининг боғловчи воситалар. Бадий матннинг лексик ва семантик хусусиятлари
--	--

	шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.
6.	Асосий адабиётлар 1. Адабий тур ва жанрлар. Дарслик. 3 томлик. Т.1., 2-Т.: 1992. 2. Аристотел. Поэтика. Қўлланма. Т., 2005. 3. Бобоев Т., Бобоева З. Бадий санъатлар. Ўқув методик қўлланма. Т., 2000. 4. Ходжаева Р., Қосимова Г. Япон адабиётида замонавий адабий йўналишлар ва оқимлар. Ўқув қўлланма. Т., 2019. 239 б. 5. Курунов Д. Адабиётшунослик асослари. Т., 2018 6. Умунов Н. Адабиёт назарияси. Дарслик. Т., 2002 7. Курунов Д. Адабиёт назарияси асослари. Т., 2018 Қўшимча адабиётлар 1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоида бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, №11 2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатининг биргаликда барпо этилиши. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б. 3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларининг таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б 4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б. 5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz 6. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Ўқув методик қўлланма. Т., Ўзбекистон 2002. Ахборот манбалари 1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали 2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 3. www.ima.uz (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги) 4. www.academy.uz (Фанлар академияси)

	7. Жуда қисқа – “кафт ҳажмидаги ҳикоялар” (“тэнохира но шёсэцу”) потикаси. Кавабата Ясунарининг жуда қисқа ҳикоялари поэтикаси Мустақил ўзлаштирилладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдирот қилиш тавсия этилади.
3.	V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланидиган компетенциялар) Фанни ўзлаштириш натижасида талаба: • Япон тилида адабий асарларни ўрганишда назарий билимларни қўллаш; бадиий адабиётда шиддатли ўзгаришлар натижасида ўзгарган инсон қарашлари, тушунчалари, қадриятларини ажрата олиш; сўнги юз йил ичида мамлакатда рўй берган сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар ва уларнинг япон халқи тафаккур тарзига таъсири масалаларин англаб етиш; бадиий образнинг реал ҳаёт билан алоқаси қонуниятларини тадқиқ этиш ҳақида <i>тасаввур ва билимга эга бўлиши</i>; • Япон адабиётида қўлланиладиган бадиий тасвир воситалари, бадиий санъатлар, портретлар ҳақида билиши; япон мумтоз ва замонавий адабиётининг жаҳон адабиётидаги ўрни ва унинг башарият тараққиётидаги улуши; янги шеъриятда шоир дунёсининг кашфини англаш, насрий ва назмий асарларнинг ғоявий тематикасини аниқлаш, ижодкор ва давр муносабатлари бўйича <i>қўникмаларига эга бўлиши</i>; • талаба япон ва жаҳон адабиётидаги жараёнларни ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш; давр маҳсули – санъат асарини ўрганиш; поэтикага таъсир кўрсатган адабиётнинг ғоявий-поетик мазмунини тўғри талқин қилиш; япон адабиётида турли ижтимоий-маиший шароитда яратилган асарлар поэтикасини фарқлай олиш тўғрисида аниқ <i>малакаларига эга бўлиши керак</i>.
4.	VI. Таълим технологиялари ва методлари: • маърузалар; • интерфаол кейс-стадилар; • семинарлар (мантикий фиклаш, тезкор савол-жавоблар); • гуруҳларда ишлаш; • тақдиротлар тайёрлаш; • индивидуал лойиҳалар; • жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.
5.	VII. Кредитларни олиш учун талаблар: Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралик назорат

	11-мавзу. Япон адабиётида замонавий йўналиш ва оқимларнинг жадал ривожланиши ва поэтика масалалари Мэйжи инқилобидан кейин юзага келган адабий шароит. Япон замонавий адабиётига ғарб адабиёти таъсири. XIX аср охири – XX асрлардаги янги ижтимоий – маданий шароит ва япон адабиёти 12-мавзу. Замонавий япон назмида “янги услуб” ҳаракати ва унинг поэтикага таъсири. “Шинтайши ундо” – янги услубдаги шеърлар учун ҳаракатнинг юзага келиши. “Шинтайшишё” (“Янги услубдаги шеърларнинг тўплами”)нинг замонавий назм тараққиётида тутган ўрни. Мэйжи даврининг илк босқичларида яратилган шинтайши тўплamlари ва уларнинг аҳамияти. 13-мавзу. Романтизм йўналиши ва унинг поэтикаси. Япония адабиётида романтизм йўналишининг пайдо бўлиши. Япон романтизм йўналишининг бадиий принциплари. Янги давр япон адабиёти намояндалари ижодида романтизм 14-мавзу. Япон адабиётида натурализм йўналишининг поэтикаси. Шизэншюги ҳаракати ва натурализм йўналишининг шаклланиши, унинг ўзига хос хусусиятлари. Ғарб натурализмга муносабат ва япон натурализмдаги изланишлар. Рус адабиёти билан танишув ва унинг шизэншюги йўналиши тараққиётидаги ўрни. 15-мавзу. Япон адабиётида реализм йўналишининг вужудга келиши ва унинг поэтикасининг натурализм поэтикаси билан муносабати. Реализм йўналишининг япон адабиётида юзага келиши ва назарий жиҳатдан қарор топиши. Фтабатэй Шимэй ижоди ва илк япон реалистик романинг пайдо бўлиши. Япон реализм йўналишининг “биринчи тўлқини” намояндалари ижоди. 16-мавзу. “Ширикаба” гуруҳи ва унинг намояндалари. Ширикаба гуруҳи ва унинг юзага келиши. Шига Наоя Ширикаба гуруҳининг ёрқин вакили сифатида. Шига Наоя асарларининг мавзулари ва поэтикаси. 17-мавзу. Япон адабиётида неореализмнинг вужудга келиши. Неореализмнинг япон адабиётида вужудга келиши. “Шиншичё” адабий журнали ва неореалист ёзувчиларининг адабий майдонга чиқиши. Шиншичё гуруҳининг намояндалари ва уларнинг ижоди, асарларининг поэтикаси ҳақида. 18-мавзу. Япон адабиётида “ватакуши шёсэцу” – эгороман жанри ва унинг поэтикаси.
--	---

XX аср япон адабиётида эгороман жанрининг юзага келиши. Япон эгороманинг япон танкидчилиги томонидан назарий асосланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ивано Хомэйнинг “Ахлоқсиз кўнгилхушлиklar” кассаси эгороман намунаси сифатида.

19-мавзу. Япон демократик ва “пролетар” адабиёти поэтикаси.

Японияда пролетар адабиётнинг вужудга келиши. Япон пролетар адабиётининг назарий асосланиши. Ишчи синф вакиллари томонидан яратилган асарлар.

20-мавзу. Япон адабиётида модернизм йўналиши.

Япон модернизмнинг юзага келиши ва шаклланиши. Япон модернизм адабиётига тегишли 3 концепция. Япон назмида модернизм тенденцияларининг юзага келиши. Урушдан кейинги йиллардаги япон адабиётида модернизмнинг намоён бўлиши.

21-мавзу. Неосенсуализм оқимининг юзага келиши ва унинг поэтикаси

Неосенсуализмнинг япон адабиётида вужудга келиши. Ёкомицу Риичи неосенсуализм адабиётининг вакили сифатида. Ёкомицу Риичи асарлари ва уларда неосенсуализм асосларининг намоён бўлиши.

22-мавзу. Япон адабиётида постмодернизм ва унинг поэтикаси

Япон адабиётида постмодернизм ва унинг намоёдалари. Харуки Муракамининг ҳаёти ва ижод йўли. Харуки Мураками ижодининг ўзига хос хусусиятлари

III. Амалий машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Аристотель “Поэтика”си ва унинг адабиётшунослик учун ахамияти
2. Шарқ алломаларининг поэтика фанига қўшган хиссаси
3. Япон ўрта асрлар адабиётида жанрлар тизими
4. Япон шеърлятида “танка”, “хайку” жанрларининг поэтикаси
5. Япон жанрларидан “моноготари” жанри услуби
6. Хэйан даври адабиётида “никки” жанри поэтикаси
7. Камакура даври адабиётида “гунки” жанрининг қарор топиши
8. Эдо даври адабиёти поэтикасида янгиланиш тамойиллари
9. Эдо даври адабиётида “каназоши” ва “укёзоши” насри
10. Мейжи инқилобий даврида адабиётдаги янгиланиш тамойиллари
11. Япон адабиётида бадиий тил ва унинг хусусиятлари
12. Япон адабиётига кириб келган янги адабий атамалар ва уларнинг тушунчалари
13. Япон шеърлятида “янги услуб” ҳаракатининг дастлабки

намоёндалари ва уларнинг асарлари

14. Китакура Тококу асарлари поэтикаси
15. Япон шеърляти вакили Шимазаки Тосон асарларининг поэтик нуқтаи назаридан таҳлили
16. Япон романтизм насрида Мори Огай асарларининг поэтик таҳлили.
17. Дастлабки япон реалист ёзувчиларидан Нацумэ Сосэки асарлари поэтикаси
18. “Ширакаба” гуруҳининг асарлари поэтикаси
19. Акутагава Рюноске янги давр япон адабиётининг классиги
20. Кавабата Ясунари япон адабиётининг неосенсуалист ёзувчиси сифатида
21. Ито Сэй ва бошқа япон модернистлари ижодининг поэтикаси
22. Иккинчи жаҳон урушдаги япон адабиётида поэтик тамойиллар
23. Харуки Мураками постмодернист ёзувчи сифатида

Амалий машғулотлар мултимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Хэйан даврида яратилган асарларнинг таржимаси ва таҳлили: 1) танкалар, хайкулар; 2) кундалик адабиёт – адабиёт – бадиий жанр сифатида; 3) Мичицуна но Хаяхнинг “Ўткинчи ҳаёт кундалиги”; 4) Кўзга кўринган моногоатарилар поэтикасининг таҳлили
2. “Танка” ва “хайку” шеърларининг таржимаси ва таҳлили поэтика нуқтаи назаридан
3. Камакура, Эдо ва Мэйжи давларининг адаблари асарларининг поэтикаси
4. Япон модернистик адабиёти намоёндаларининг асарларини поэтика нуқтаи назаридан таҳлили. Модернистик романларда Ёшимото Бана романи таҳлили
5. Япон адабиётида “пролетар адабиёти” номини олган йўналишнинг Хаяма Ёшики ва бошқалар асарларининг поэтикаси. II жаҳон урушидан кейинги “демократик” адабиёт номояндаси Миямото Юрико ижодининг поэтикаси. Хирошима фожеаси адабиёти
6. Япон адабиёти XXI аср арафасида ва бошида. Харуки Мураками асарлари поэтикаси. Япон модернизми поэтикаси